

# Жаҳон банкининг Инспекцион Кенгаши

*Бу ерда сизни тинглашади*





# Нима **ИНСПЕКЦИОН КЕНГАШ ЎЗИ НИМА?**

Инспекцион Кенгаш 1993 йилда Жаҳон банки Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган. Бу ўзларини Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган лойиҳадан зарар кўрган ёки зарар кўриши мумкин бўлган деб ҳисоблаган одамлар учун шикоят қилишнинг холис механизmidир. Кенгаш турли мамлакатлардан бўлган, ривожланиш соҳасида ўзларининг кўп қиррали тажрибаси, шунингдек, холислиги ва виждонлилиги учун танланган уч нафар аъзодан иборат. Ҳар бир аъзо ўз вазифаларини беш йиллик муддат давомида ижро этади. Кенгаш Котибият томонидан қўллаб-қувватланади ва Жаҳон банкининг ҳисобдорлик механизми доирасида Жаҳон банкининг АҚШ, Колумбия округи, Вашингтон шаҳридаги штаб-квартирасида жойлашган. У бевосита Банк Ижроия қўмитасига ҳисобот беради ва Жаҳон банки бошқарувидан мустақил.





# Қандай қиммо

## КЕНГАШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

“Аризачилар” деб аталувчи ҳар қандай икки ёки ундан кўп жабр кўрган одамлар, Кенгашга шикоят киритиши мумкин. Ушбу жараён орқали, Кенгаш Банк ўзининг инсонлар ва атроф-муҳитнинг хавфсизлигига қаратилган ички сиёсати ва тартиб-қоидаларига риоя қилгани ёки қилмаганини баҳолайди. Бундан ташқари, у ҳар қандай риоя қилмаслик шикоятда баён этилган зарарларга ҳисса қўшгани ёки келажакда қўшиши мумкинлигини баҳолайди. Кенгашнинг ишлаш тартиб-таомиллари ([www.inspectionpanel.org](http://www.inspectionpanel.org) сайтида) Кенгаш жараёнларининг турли босқичларини, шу жумладан, шикоятнинг мақбуллигини ва уни тергов қилиниши лозимлигини қандай аниқлашни тушунтиради.

Кенгаш жараёни, шунингдек, муаммони барча тарафларнинг манфаатларини инобатга олиб ечимини топиш ва ҳал қилиш мақсадида Аризачилар ва Жаҳон банки ўртасида конструктив ҳамкорлик учун имкониятлар беради.

Тайёрланаётган барча ҳисоботлар, шу жумладан, дастлабки шикоят ҳам оммага ошкор қилинади, лекин Аризачилар буни талаб қилса, уларнинг қимлиги сир тутилади.

Кенгаш жараёнининг қисқача тавсифи муқованинг орқа томонидаги расмда кўрсатилган.

## КИМ ШИКОЯТ ҚИЛИШИ МУМКИН?

# Қимм

Банк томонидан қўллаб-қувватланадиган лойиҳа жойлашган мамлакатда икки ёки ундан ортиқ зарар кўрган шахслар (расмий равишда “Текшириш сўрови” деб аталадиган) шикоятни киритишлари мумкин. Уни бевосита Аризачиларнинг ўзи ёки вакили орқали юбориш мумкин.





# АРИЗАЧИЛАР НИМАДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШЛАРИ МУМКИН?

Инспекцион Кенгаш мурожаатларга жавобан инсонлар ёки атроф-муҳит учун зарар ёки эҳтимолли зарар тўғрисидаги кўплаб турдаги текширишга сўровларни кўриб чиққан. Баъзи ҳолатлар инфратузилма лойиҳалари натижасида одамларнинг ҳаётига ёки атроф-муҳитнинг аҳволига зарар етказилиши билан боғлиқ бўлган. Кенгаш, шунингдек, мажбурий кўчириш (масалан, тўғон, йўл, қувурлар, чиқиндихона ёки электр станциясини қуриш туфайли) билан боғлиқ лойиҳаларни, маҳаллий халқларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига (масалан, ерга, маданий аҳамиятга эга объектларга ёки ҳаёт учун таъминот манбаига бўлган ҳуқуқларига) таъсир қиладиган лойиҳаларни; атроф-муҳитга, маданий аҳамиятга эга объектларга ва табиий яшаш ҳудудига таъсир қиладиган (масалан, ҳаво ва сувни ифлослантирадиган, сув манбаларига юклама туширадиган, сув-ботқоқлик ерларига салбий таъсир кўрсатишга, ўрмонларнинг ёки биологик хилма-хилликни йўқотишга олиб келадиган) лойиҳаларни кўриб чиққан. Кенгаш ишларида, шунингдек, лойиҳалар доирасида гендер зўравонлик ва дахлдор маҳаллий жамоаларнинг мазмунли маслаҳатлашувларда ва лойиҳаларни режалаштириш ва амалга оширишда иштирок этиш, шу жумладан, ахборот олиш ҳуқуқлари тўғрисидаги даъволар кўриб чиқилган. Ушбу зарар ёки эҳтимолли зарарнинг барча турлари Кенгаш томонидан Жаҳон банкнинг операцион фаолияти ва сиёсатлари доирасида кўриб чиқилади.

Товар ёки хизматларни харид қилиш, коррупция билан боғлиқ масалалар ёки Кенгаш томонидан аввал кўриб чиқилган масалалар, агар улар бўйича янги далиллар ёки янги ҳолатлар тақдим этилмаса, Кенгашнинг ваколатларига кирмайди. Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватладиган лойиҳа доирасида фирибгарлик ёки коррупция, нотўғри амалга оширилган харидлар тўғрисидаги шубҳалар ёки Банк ходимларининг фирибгарлик ва коррупцияда айбланиш билан боғлиқ номаъқул хатти-ҳаракатларига оид масалалар Банкнинг фирибгарлик ва коррупция бўйича [www.worldbank.org/integrity](http://www.worldbank.org/integrity) ишонч телефонида маълум қилиниши керак.

Кенгаш мандати Халқаро тараққиёт ва ривожланиш банки (IBRD) ва Жаҳон банки Гуруҳининг Халқаро тараққиёт уюшмаси (IDA) томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни ҳам қамраб олади. Халқаро Молия корпорацияси (IFC) ва Кўп томонлама инвестицияларни кафолатлаш агентлиги (MIGA) томонидан қўллаб-қувватладиган лойиҳалар бўйича шикоятлар мувофиқлик бўйича Омбудсман (CAO) идораси томонидан кўриб чиқилади. CAO ҳақида батафсил маълумотни [www.cao-ombudsman.org](http://www.cao-ombudsman.org) сайтида топиш мумкин.



# Қандай қишмо

## ШИКОЯТ ҚАНДАЙ КИРИТИЛАДИ?

Шикоят (текшириш сўрови) хат ёки электрон почта орқали топширилиши мумкин. У ҳар қандай фуқаро томонидан мутахассислар ёки адвокатлар ёрдамисиз ёзилиши мумкинлигига эътибор беринг. Шикоят имзоланган бўлиши ва қуйида келтирилган маълумотларни ўз ичига олиши керак.

- Исмларингиз ва қаерда яшашингиз (Аризачилар иккита ёки ундан кўп бўлиши керак). Агар жисмоний шахсни ёки ташкилотни сизларга вакиллик қилиш учун тайинласангиз, уларнинг вакилингиз сифатида номи келтирилган, ҳаракат қилишга рухсат берувчи имзоланган баёнот.
- Сизни ташвишга солаётган Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватланадиган лойиҳанинг номи (агар уни билсангиз).
- Сиз ёки сиз яшаётган атро-муҳит кўрган зарар ёки сизнинг фикрингизча, лойиҳа натижасида юзага келиши эҳтимоли мавжуд зарарнинг тавсифи.
- Сизнинг фикрингизча, ўзингиз хабардор бўлган даражада, Банк ўз қоида ва тартиб-таомилларига нима сабабдан амал қилмаган ва бу қандай қилиб зарарни келтириб чиқарган (аммо, илтимос, Текширув сўрови Банkning кўриб чиқилиши лозим бўлган муайян сиёсатини аниқлашни талаб қилмаслигига эътибор беринг).
- Ташвишларингиз ҳақида Банкни қачон ва қай тарзда хабардор қилганингиз ва Банkning жавоби нима сабабдан сизни қониқтирмаганининг тавсифи.
- Агар хоҳласангиз, ташвишларингизни ҳал қиладиган ҳаракатларни тасвирлашингиз мумкин.

Кенгаш жараёни учун расмий тил — инглиз тили, лекин сиз ўз тилингизда шикоят топширишингиз мумкин. Унинг чоп этилган нусхаси бизнинг почта манзилимизга (муқованинг орқа томонидаги боғланиш маълумотларини қаранг) ёки электрон нусхаси [ipanel@worldbank.org](mailto:ipanel@worldbank.org) ёки [accountability@worldbank.org](mailto:accountability@worldbank.org) манзилига юборилиши мумкин.

Шикоятнинг намунавий шаклини, шунингдек, Кенгаш тўғрисида бошқа маълумотларни Кенгашнинг [www.inspectionpanel.org](http://www.inspectionpanel.org) веб-сайтида топиш мумкин. Агар яна саволларингиз бўлса, жавобларни веб-сайтдан топишингиз, ёки электрон почта ёки телефон орқали бевосита Кенгаш котибиятига мурожаат қилишингиз мумкин (муқованинг орқа томонидаги боғланиш маълумотларини қаранг). Кенгаш котибияти, шунингдек, шикоят қабул қилиниши учун асосий талабларни тушунишга ёрдам бериши мумкин.



# Ниша

## КЕНГАШ ЖАРАЁНИ НАТИЖАСИДА НИМАНИ КУТИШ МУМКИН?

**Кенгашга шикоят юбориш қуйидаги натижаларга олиб келиши мумкин:**

- Кенгаш томонидан Жаҳон банки сиёсати ва тартиб-таомилларининг бузилиши тахмин қилинган зарар билан боғлиқ ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш.
- Келажакда Банк лойиҳаларида бундай зарарларни олдини олишга ёрдам берадиган сабоқларни мужассамлаштириб, зарар ёки эҳтимолли зарарга эътибор қаратишга кўмаклашиш.
- Жаҳон банки бошқарувини ушбу жараённинг дастлабки босқичларида ёки Бошқарув чора-тадбирлари режаси (МАР) натижасида зарарни тузатиш учун чора кўришга олиб келиш.
- Гуруҳ томонидан Бошқарувнинг Ҳамкорликдаги ҳаракатлар режаси даги (МАР) тузатиш чоралари муваффақиятли амалга оширилганлигини текширилиши (Бу жараён бошқа мустақил ҳисобдорлик механизмлари томонидан амалга ошириладиган “мониторинг”га ўхшайди).
- Агар иккала Аризачи ва қарз олувчи мамлакат ҳам рози бўлса, низоларни ҳал қилиш жараёнига олиб келиш.

**Кенгашга шикоят юбориш қуйидагиларга олиб келмайди:**

- Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган лойиҳа етказган зарарни тўхтатилиши ёки унинг олди олинишининг кафолатини бермайди, чунки Кенгаш мажбурий ижро этиш ҳуқуқига эга суд эмас. Бироқ Кенгаш бевосита Банк Ижроия Кенгашига ҳисобот беради ва Банк бошқаруви Кенгашнинг хулосаларини кўриб чиқиш ва жавобан чора кўриш учун масъул.
- Банк ходимларининг айбдорлиги ёки айбсизлигини аниқлаштириш, балки Кенгаш Банк бошқаруви бир бутун сифатида талабларни бажарилишини текширади.
- Қарздор ҳукуматининг терговига олиб келиши, чунки Кенгаш қарздорни эмас, балки Банкни текширади.
- Автоматик равишда лойиҳани тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш (бу Банкнинг қарори).

# Ниша учун

## НИМА УЧУН АЙНАН КЕНГАШ?

Жаҳон банкининг миссияси — мамлакатларга қашшоқликка барҳам бериш ва биргаликда фаровонлик яратишда кўмаклашиш. Ривожланиш лойиҳалари ва дастурлари ижобий ўзгаришларни келтириб чиқаришга мўлжалланган, аммо уларни амалга ошириш таваккалчиликлар билан боғлиқ. Барча энг яхши ниятларга қарамай, одамларга ёки атроф-муҳитга зарар етказилиши мумкин. Жаҳон банки бундай натижаларнинг олдини олишга қаратилган сиёсатни амалга оширади, аммо шундай бўлса ҳам айрим муаммолар эътироф этилмаган ёки уларнинг ечими топилмаган бўлиб қолиши мумкин. Бундай шароитда хавотирларнинг эътиборга олиниши учун яна бир йўли — фуқароларнинг ўзи мурожаат этиши. Ҳамкорликдаги жараён орқали, Кенгаш одамларнинг мурожаатлари етиб боришига ва муаммоларини ҳал этилишига ёрдам бериши мумкин.







## Инспекцион Кенгаш жараёнининг босқичлари

1	Сўровни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кенгаш ўз веб-сайтида эълон қилиш орқали текшириш учун сўров олгани тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади.</li> <li>• Сўров олгандан сўнг 15 иш куни ичида, Кенгаш рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказмаслик хабарномасини юбориш тўғрисида қарор чиқаради.</li> </ul>
2	Мақбуллик ва Кенгаш тавсиялари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Банк бошқаруви рўйхатга олинган кундан бошлаб 21 иш куни ичида жавоб беради.</li> <li>• Зарур бўлса, Кенгаш воқеа жойига чиқади.</li> <li>• Бошқарув жавобини олгандан сўнг 21 иш куни ичида Кенгаш Ижрочи директорлар Кенгашига текширувни олиб борилишини асослантириб беришини тавсия қилади.</li> <li>• Кенгаш тавсияси бўйича Бошқарув қарори (одатда 10 иш куни ичида).</li> </ul>
3	Низоларни ҳал қилишга йўналтириш (DR)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Агар текширув маъқулланган бўлса, Жаҳон банки Ҳисобдорлик механизмнинг котиби Аризачилар ва қарз олувчига низонинг ечимини таклиф этади.</li> <li>• Агар тарафлар рози бўлса, Кенгаш текширувини тўхтатади.</li> <li>• ДР жараёнининг давомийлиги кўпи билан бир йилни (олти ойга узайтириш имконияти билан) ташкил этади.</li> </ul>
4	Текширув	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Агар тарафлар DRни танламаса ёки DR муваффақиятсиз бўлса, Кенгаш унинг текширувини бошлайди.</li> <li>• Кенгашнинг текширув ташрифи.</li> <li>• Кенгаш текширув ҳисоботини Ижрочи директорлар Кенгашига тақдим этади (текширув режасини эълон қилгандан сўнг олти ой ичида уни яқунлашга ҳаракат қилади).</li> </ul>
5	Текширувдан кейин	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кенгашнинг текширув ҳисоботи махфий асосда Аризачиларга топширилади.</li> <li>• Банк бошқаруви ўз Ҳисоботи ва Тавсиясини (Текширув ҳисоботини олгандан кейин олти ҳафта ичида) тақдим этади.</li> <li>• Ижрочи директорлар Кенгашига томонидан Бошқарув ҳаракатлар режасини (MAP) муҳокама қилиниши ва тасдиқланиши.</li> </ul>
6	Ҳамкорликдаги ҳаракатлар режасини амалга оширилишини текшириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кенгаш Таваккалчиликка асосланган мутаносиблик мезонлари ва усуллари асосида Ички аудит гуруҳи (GIA) натижаларига таяниб, Директорлар Кенгашига MAPни амалга ошириш текширувини тасдиқлашни тавсия қилиши мумкин.</li> <li>• Тасдиқланган ҳолда, Кенгаш ўз тавсияларини бажаришга қаратилган ҳаракатлари амалга оширилишини текширади; GIA банк бошқарувида қаратилган бошқарув ҳаракатларини текширади.</li> <li>• Жараён охирида Кенгаш Директорлар Кенгашига текшириш ҳисоботини тақдим этади.</li> </ul>

Инспекцион Кенгаш  
1818 H Street NW, Почта бўлими: MC10-1007  
Вашингтон округи 20433 АҚШ.

Тел: 202 458 5200  
Факс: 202 522 0916  
Электрон почта: [accountability@worldbank.org](mailto:accountability@worldbank.org)  
Веб-сайт: [www.inspectionpanel.org](http://www.inspectionpanel.org)



Facebookда бизни топинг



ip  
The  
Inspection  
Panel

THE WORLD BANK  
IBRD • IDA | WORLD BANK GROUP